

ТАРИХ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ТАРИХИЙ ФОТОЛАВҲАЛАР ВА ТАСВИРИЙ САНЪАТ АСАРЛАРИ НАМОЙИШИ БИЛАН ИНТЕГРАЦИЯСИ

Муминова Дилрабо

Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар

29-мактаб тарих фани ўқитувчиси

Дарс – қайси соҳада бўлмасин, ҳаётимиздаги ўзига хос ажойиб ижтимоий-таълимий жараён. Ҳар бир шахс қачонлардир мактаб партасида ўтириб, илм олган экан, қайсидир дарслар кетма-кет ҳеч қандай из қолдирмай ўтиб кетган, қайсиларидир атроф-муҳитни, ўзимизни англашимизга ёрдам бериб, ёдимизда ҳалигача сақланиб қолган. Ҳаттоки, муайян бир касбни танлашимизга туртки бўлган дарслар ҳам бўлиши мумкин. Чиройли нутқ, ёқимли мулоқот, фаолиятнинг хилма-хиллиги, юқори жадаллик, аниқ фикрлайдиган ўқитувчи барча ўқувчини дарсга жалб эта олади, бу ҳолатдан таълим олувчи ҳам, таълим берувчи ҳам завқланади. Демак, дарсни ташкил этувчи ўқитувчининг инсон ҳаётидаги аҳамияти жуда катта.

Дарс қандай бўлиши керак ? Шакл ва мазмунига кўра ҳар хил, шунингдек, ўқувчи, талаба учун аҳамиятли, асосийси тушунарли ва қизиқарли бўлишидир. Биз яшаб турган дунё тинимсиз ўзгариб турган бир паллада дарс машғулотлари ҳам турли-туманликни талаб этади. Замонавий таълимда шахсни камол топтириш, уни ақлан баркамол этиб тарбиялашда такомиллашган методларни қўллаш масалалари илгари сурилмоқда. Дарсларда техник воситалардан фойдаланиш анъана тусига кириб, энди янада янги йўналишларни кашф этиш талаб этилмоқда. Фанлараро боғланиш, интеграциялашган дарслар ташкил этилмоқда. “Integration” – инглизча сўз бўлиб “қўшилиш”, “бирлашиш”, деган маънони билдирадики, фанни ўқитишда интеграцион ёндашув – таълим жараёнида муайян мавзунинг моҳиятини, ундаги тушунча, масала ёки илмий жараённи ўқувчига, талабага

атрофлича, чуқур ва сифатли равишда онгига етказиш, сингдириш мақсадида бир неча фан нуқтаи назаридан туриб ёритишни, тавсифлашни англатади, қисқача айтганда, илмий таҳлил жараёнида бир неча фан тамойилларининг қўшилиши ёхуд бирлашишидир. Натижада ўқитилаётган мавзунинг моҳияти, аҳамияти ўқувчи ёшлар онгига тез ва осон етиб борадики, бунда у жараённинг қонуниятини, ички ва мантиқий боғланишларини, тамойилларини чуқур ва кенг тушуниб, англаб етади.

Умумий ўрта таълим тизимида тарих фанини ўқитишда тарих, тарихий сурат ва фотолавлардан фойдаланиш дарсга интеграцион ёндашувнинг ўзига хос томони бўлиб, ўқувчиларнинг ақлий билим доирасини кузатиб турган ҳозирги замон доирасидан ташқарида қолиб кетган. Она Ватанимизнинг яқин ўтмиш ёхуд узоқ воқеалар билан кенгайтиради. Ўз она Ватани шонли ўтмиши ҳақида маълумот ва билимга эга бўлган ўқувчи бугунги кун ҳаётига янгича муносабатда ёндошади, у юртимизнинг кишилиқ тараққиётидаги муайян босқичини кўради, ҳозирги истиқлол даврини яқин ўтмиш (собик Шўро даври) ва бир неча аср илгариги ўтмиш билан таққослашга ўрганади, ижтимоий тараққиёт ўзгаришининг тарихий илдизларини тушуниб оладилар. Ўқувчиларга Марказий Осиёнинг ҳаққоний тарихи хусусида билим бериш уларда бугунги мустақил демократик жамиятнинг кадр-қимматини англаб етиш ҳиссини уйғотади. Бундай улўғвор мақсадларни амалга оширишда тарих фанининг бошқа фанлар билан уйғунлашув самарадорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўқув фанини тарих, тасвирий санъат фанлари ҳамда фотолавлар намойиши билан интеграциялашган тарзда ўқитиш жараёнида ўқув ишларининг асосий мазмуни синф-дарс шаклида баён этилади. Яъни ўқувчилар дарс материалларининг асосий мазмунини синфда дарс давомида оладилар. Ватанимиз тарихи мавзусидаги тасвирий санъат асарлари, фото ва видеолар ўқувчиларда фанга оид тарихий тушунчаларни шакллантиришга, уларнинг назарий хулосалар ва умумлашган яқунларини ижтимоий ривожланишининг объектив қонуниятларининг ўзаро алоқаларини

яхшироқ тушуниб олишга ёрдам беради, шунингдек ўқувчиларни эстетик жиҳатдан тарбиялашнинг муҳим воситаси бўлиб ҳам хизмат қилади. Ўқув фани мавзуларидаги тарихий воқеаларга оид фотолавҳалар ва санъат асарларини кўриш анализатори иштирокида мушоҳада этиш ва улар ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиш билан чегараланмайди, балки мураккаб тарихий-ижтимоий воқеаларни, тушунчаларни тушуниб олишни ҳам енгиллаштиради, юртимиз узоқ ва яқин ўтмишидаги ижтимоий-сиёсий жараёнларни тўғри ва реал тушунишга ёрдам беради.

Шундай қилиб, тарих фанини тарихий мавзудаги тасвирий санъат асарлари, фотолавҳалар ва видеолавҳалардан фойдаланишнинг муҳим аҳамияти куйидагилардан иборат:

- фандаги ижтимоий-тарихий билимларнинг асосий манбалари бўлиб хизмат қилади;
- ўқув материалнинг таълимий ва тарбиявий вазифаларини муваффақиятли амалга оширишга хизмат қилади;
- дарс давомида ўқитувчи баёнининг аниқ, образли ва эмоционал бўлишига ёрдам беради;
- ўқувчиларнинг ўқув материални ўрганишга қизиқишини оширади ва уларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиради;
- ўқувчиларнинг фикрлаш ва ижодий қобилиятини ўстиради;
- ўқувчиларнинг ижтимоий-тарихий воқелик ва жараёнларга доир билимларини аниқ, чуқурроқ ва мустаҳкамроқ бўлишига ёрдам беради.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ижтимоий-тарихий, сиёсий-тарихий мавзудаги кўргазмали воситалар орқали ўқувчиларни миллий ғоя туркумига кирувчи фанларга қизиқишини ўстириш мураккаб педагогик жараён ҳисобланади. Ушбу жараённи билиш мақсади ўзидан умуминсоний, ахлоқий ва ватанпарварлик фазилатларни намоён этган юртимизнинг тарихий ва ижтимоий жабҳадаги қаҳрамонларнинг ҳаёт фаолияти, ўй-хаёллари, интилишлари, ҳаёт тарзи руҳий кечинмалари асосида ўқувчиларда

она Ватанга муҳаббатни, садоқатни ҳамда фидоийликни тарбиялашдан иборатдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. “Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз”. Т.; “Ўзбекистон”.2017 й.
2. Назаров Қ. Миллий Истиқлол Ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. (Олий таълим муассасалари учун қўлланма).Т.; “Янги аср авлоди”. 2001 й.
3. Ишмуҳамедов Р., Юлдашев М. “Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар”. Т.; “Ниҳол”. 2013 й.
4. Умумтаълим фанлари методикаси. Маънавий-маърифий, илмий, методик нашр. Т.; 2016 йил февраль. №2.